2023-yil
23-sentabr
shanba
№ 118
(4870)

# Ishonch

*Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!*

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan




# Туркий давлатлар касаба уюшмалари ташкилоти:
# ХАЙРЛИ ИШЛАРГА ҲАМОҲАНГ ТАШАББУС

***Самарқанд шаҳридаги «Буюк Ипак йўли» туризм марказида Туркий давлатлар касаба уюшмалари ташкилотининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди***

**Анжуманда Ўзбекистон, Туркия, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон Республикалари касаба уюшмалари раҳбарлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, мамлакатимизнинг таниқли сиёсатчи ва зиёлилари, Самарқанд вилоятининг жамоатчилик ва илм-фан намояндалари, шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг аъзо ташкилотлари ҳамда ҳудудий кенгашлари раҳбарлари иштирок этишди.**

**Йиғилишни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов кириш сўзи билан очди.**

>>> 2-3




## ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ РАИСИ ҚУДРАТИЛЛА РАФИҚОВНИНГ ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТИНИНГ ТАЪСИС МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

**Ассалому алайкум, қадрли меҳмонлар!**

**Ҳурматли ҳамкасблар, азиз дўстлар!**

**Хонимлар ва жаноблар!**

Барчангизни туркий дунёнинг ўзига хос марказларидан бири, Амир Темур Кўрагоний, Имом Бухорий, Имом Мотурудий, Хожа Аҳрор Вали каби алломаи замонлар мангу қўним топган азиз диёрда, кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрида кўриб турганимиздан бағоят хурсандмиз.

**Хуш келибсиз, азизлар!**

Бугун биз, туркий тилли давлатлар вакиллари биргамиз. Бизни жуда катта тарих, бебаҳо умумий мерос бир-



лаштириб туради. Шу боис, бугун биз Сиз азизлар билан бирга, шу муқаддас заминда яна бир тарихий воқеанинг бевосита иштирокчиси бўлиб турибмиз.

**Ҳурматли меҳмонлар!**

Самарқанд рўйи замин сайқали ўлароқ, тарихда сон-саноқсиз хайрли ишларга гувоҳ бўлган шаҳардир. Бу ерда қилинган ният, бошланган ҳаракат мудом муваффақиятли ва баракали бўлган.

Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар касаба уюшмаларининг саъй-ҳаракатларини уйғунлаштириш, яъни Туркий давлатлар касаба уюшмалари ташкилотини таъсис этишдек эзгу мақсадимизнинг ушбу муборак заминда амалга ошаётгани ҳам чуқур маъно касб этади.

>>> 2

www.ishonch.uz
ishonch1991@yandex.uz
https://www.facebook.com/ishonch.gazetasi
https://t.me/ishonchgz

# Туркий давлатлар касаба
# ХАЙРЛИ ИШЛАРГА

**Самарқанд шаҳридаги «Буюк Ипак йўли» туризм марказида Туркий давлатлар**

## ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ РАИСИ ҚУДРАТИЛЛА РАФИҚОВНИНГ ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТИНИНГ ТАЪСИС МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

**<<< 1**

Азиз дўстлар, рухсатингиз билан, сизларни, аввало, ушбу анжуманимизнинг қадрли меҳмонлари билан таништириб ўтсам.

Туркий давлатлар касаба уюшмалари ташкилотининг таъсис йиғилишида:

Озарбайжон касаба уюшмалари Конфедерацияси раиси Мехбалиев Саттор Сулиддин ўғли раҳбарлигидаги Озарбайжон касаба уюшмалари Конфедерацияси делегацияси;

Қозоғистон Республикаси касаба уюшмалари Федерацияси раиси Даулеталин Сатибалди Телагисович раҳбарлигидаги Қозоғистон касаба уюшмалари Федерацияси делегацияси;

Қирғизистон касаба уюшмалари Федерацияси раисининг биринчи ўринбосари Арстанбеков Ўморбек Алимбекович раҳбарлигидаги Қирғизистон касаба уюшмалари Федерацияси делегацияси;

Туркия касаба уюшмалари Конфедерацияси «TÜRK-IŞ» президенти Эргун Аталай раҳбарлигидаги Туркия касаба уюшмалари Конфедерацияси делегацияси иштирок этмоқда.

**Ҳурматли меҳмонлар!**

Тарихий аҳамият касб этувчи бугунги нуфузли учрашувимизга биз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, мамлакатимизнинг таниқли сиёсатчи ва зиёлилари, Самарқанд вилоятининг жамоатчилик ва илм-фан намояндалари, шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг аъзо ташкилотлари ҳамда ҳудудий кенгашлари раҳбарларини ҳам таклиф этганмиз.

Уларга ҳам ўз ташаккурларимизни билдирамиз.

**Қадрли дўстлар!**

Алоҳида қайд этиш керакки, инсоният тилида «Турк дунёси» деган атама пайдо бўлганига анча бўлган. Биз сиз билан ўтмиши зафарларга тўла ана шу буюк дунёга дахлдор эканимиздан доимо фахрланамиз.

Бизни қадим маданиятимиз, тилимиз, қадриятларимиз, динимиз ва умумий тарихимиз чамбарчас боғлаб туради. Давлатларимиз ва халқларимиз ўз жойлашуви ва тарихий тараққиётидан тортиб, ҳозирги ривожланиш босқичида кечаётган ислоҳотларнинг ўзига хослиги билан ҳам кўплаб умумий ҳамда уйғун жиҳатларга эга.

Туркий халқларнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини, одамзод тарихидаги илк давлатчиликларга бизнинг аждодларимиз асос солганини ҳам бутун дунё яхши билади ва тан олади. Оламга довруғ таратган қудратли Турк салтанатлари ўтмишини ҳам бугун билмайдиган одам жуда кам бўлса керак.

Ҳозиргина гувоҳи бўлганимиздек, буюк жадид бобомиз Абдурауф Фитрат бир замонлар **«Эй, улуғ Турон, арслонлар ўлкаси...»** деб бежиз айтмаган. Зотан, у ғурур билан эътироф этганидек, **Турон ўлкаси Темурларга, Ўғузларга, Отиллаларга шонли бешик бўлган!**

Аждодларимиз нафақат давлатчилик ва ҳарбий соҳада, балки маданият ва илм-фан борасида ҳам дунё халқларига йўл кўрсатиб келган. Зотан, башарият тарихидаги илк ёзувлардан бири сифатида эътироф этиладиган **«Ўрхун-Энасой»** битикларидан тортиб, **«Алпомиш», «Гўрўғли», «Манас», «Дада Қўрқут»** каби томири узоқ минг йиллиларда яшаган аждодларимиз тақдирига туташиб кетадиган достонларимиз бугун инсоният маданий тафаккурининг олтин меросига айланган. Жумладан, аҳли жаҳон Низомий Ганжавий, Мавлоно Жалолиддин Румий, Мир Алишер Навоий, Юнус Эмро, Абай, Чингиз Айтматовлар номини бирдек ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олади.

Биз бу билан ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак, арзийди.

**Ҳурматли дўстлар!**

Давлатларимиз геоиқтисодий ва геосиёсий жойлашуви жиҳатидан ҳам ҳамиша дунё эътиборида бўлган.

Геосиёсий жойлашувнинг ўзига хос хусусиятлари қадим замонлардан буён турли маданият ва тамаддунларнинг бир-бири билан мулоқоти ва ўзаро ҳамкорлиги, савдо йўлларининг кесишиш марказлари саналган юртларимизнинг тарихий ривожланиши билан боғлиқ ўзига хос умумий жиҳатларни ҳам белгилайди.

Мамлакатларимиз бир вақтлар тарихдаги энг машҳур транспорт йўлаги – Буюк Ипак йўлининг асосий бўғинлари бўлгани ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бугунги таҳликали замонда ўзаро яқинлик, бир-биримизга ҳамкорлик қўлини тутиш, эзгу ниятлар йўлида бирлашиш билан боғлиқ истагимизнинг ўзи олқишларга муносиб қадамдир.

**Азиз ҳамкасблар!**

Фурсатдан фойдаланиб, Туркий тилли давлатлар касаба уюшмалари ташкилотини тузиш ташаббускори бўлган Озарбайжон касаба уюшмалари Конфедерацияси раиси, ҳурматли биродаримиз **Мехбалиев Саттор Сулиддин ўғли**га ўз номимдан, ижозат берсаларингиз, сизларнинг ҳам номингиздан яна бир бор самимий миннатдорчилик билдираман.

Бугунги йиғилишимизда қатнашаётган «TÜRK-IŞ» Туркия касаба уюшмалари Конфедерацияси президенти жаноб **Эргун Аталайни** ҳам самимий қутлаймиз. Сизга Туркий давлатлар касаба уюшмалари ташкилотини тузишдаги алоҳида жонбозлигингиз ва бу ташаббусни қўллаб-қувватлаётганингиз учун ташаккурлар айтамиз.

Ота юртингизга хуш келибсиз, қадрдон дўстларимиз!

Биз сизларни бу заминда кўриб турганимиздан бахтиёрмиз.

Қозоғистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси, дўстим **Сатибалди Даулеталин**ни ҳам диёримизда кўриб турганимиздан беҳад хурсандмиз. Шу пайтгача ўзаро ҳамкорлик ришталаримиз тобора мустаҳкамланиб бораётгани бизни қанчалик қувонтириб келган бўлса, янги ташкилот янада жипслашишимизга, ҳамжиҳатлигимиз бардавом бўлишига хизмат қилиши, шубҳасиздир. Сиз Туркий давлатлар касаба уюшмалари ташкилотини ташкил этишни қўллаб-қувватлаётганингиздан бағоят хурсандмиз. Сизларга ҳам ташриф ва хайрихоҳлик учун алоҳида миннатдорлик билдирамиз.

Қирғизистон касаба уюшмалари Федерацияси раҳбари, ҳурматли қадрдонимиз **Эмиль оға Қизаев** куни кеча қўнғироқ қилиб, мени ва мен орқали барча меҳмонларимизни ушбу тарихий кун билан самимий табриклади. Ўз навбатида, анжуманимизда иштирок эта олмаётганидан афсусда эканини билдирди ва таъсис йиғилишимизга муваффақиятлар тилади. Бугун ушбу қадрдон элдан Қирғизистон касаба уюшмалари Федерацияси раисининг биринчи ўринбосари **Арстанбеков Ўморбек Алимбекович** бошчилигидаги меҳмонлар ташриф буюришган. Биз уларни ҳам буюклар юрти бўлмиш Самарқанд заминида чин қалбдан қутлаймиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги анжуман фаолиятига муваффақиятлар тилайман. Ишончимиз комилки, Туркий давлатлар касаба уюшмалари ташкилотининг таъсис этилиши мамлакатларимизда эл-юрт фаровонлиги йўлида олиб борилаётган хайрли ишларга ҳамоҳанг ташаббус сифатида муштарак тарихларимиз зарварақларига муҳрланажак.

Эътиборларингиз учун раҳмат!



**<<< 1**

Таъкидланганидек, ушбу анжуман иштирокчиларини, умуман, халқларимизни жуда катта ва узоқ ўтмиш, бебаҳо умуммерос бирлаштириб туради. Кейинги йилларда давлатларимиз ўртасидаги алоқалар янада мустаҳкамланиб бормоқда. Хусусан, ўтган йили Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилоти саммити туркий дунёни янада яқинлаштириш ва улкан салоҳиятини тўлиқ ишга солишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Туркий давлатлар касаба уюшмалари ташкилотининг таъсис йиғилишида ана шу умумий тарихни ҳамда бугунги даврдаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўзида акс эттирган видеоролик намойиш этилди.

Иштирокчилар томонидан зўр қизиқиш билан кутиб олинган, уларнинг руҳиятида қардошлик туйғуларини янада жўшдирган ушбу намойишда рамзий маъно касб этганидек, бизнинг тарихимиз, тилимиз, дилимиз бир. Шу маънода келажагимиз ҳам бир бўлиши керак.

Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар касаба уюшмалари саъй-ҳаракатларини умумлаштириш, яъни Туркий давлатлар касаба уюшмалари ташкилотини таъсис этишда ҳам ана шундай эзгу мақсад мужассамдир.

Туркий давлатлар касаба уюшмалари ташкилоти халқларимиз ўртасидаги ришталарни янада мустаҳкамлаб, халқаро майдонда ўз нуфузига эга бўлишга интилади. Натижада умумий тил, анъанавий ўзаро бирлик ва ҳамжиҳатлик асосида шаклланаётган муносабатларнинг минтақавий аҳамияти сезиларли даражада ривожланади. Бугунги анжуман ўзаро биродарлик, тарихий ўзлик ва ҳамкорликка бўлган ана шундай эҳтиёжларга тўла мос тушади.

Яқинда Озарбайжоннинг маданий пойтахти Шуша шаҳрида тарих зарварақларига муҳрланадиган воқеа рўй берган эди. Бу ерда Қозоғистон, Озарбайжон, Туркия ва Ўзбекистон миллий касаба уюшма марказлари ўртасида янги, ягона, бирлашган тузилма – Туркий давлатлар касаба уюшмалари ташкилотини тузиш тўғрисида келишувга эришилган, хусусан, тузилманинг инсонийлик тамойилларини юқори чўққиларга кўтарадиган, меҳнатдаги мувозанатга кафил бўлувчи вазифалари белгиланганди. Шу тариқа меҳнат муносабатларида мўътадиллик, меҳнаткашларнинг ижтимоий, меҳнат, касбий, иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳаракатларни бирлаштиришдек жараёнлар қамраб олинадиган бўлди.

Мазкур ташкилотнинг тузилиши туркий давлатлар касаба уюшмаларининг меҳнат ва ижтимоий ҳимоя жабҳасида бирлашиши учун мустаҳкам замин яратади. У турли мафкура ва сиёсатдан холи экани, том маънода иқтисодий, ижтимоий, маданий халқаро институт мақомига мутаносиблиги билан алоҳида ажралиб туради.

Янги бирлашма инсон манфаатларини умумлаштиришга иштиёқи кучлилиги сабабли ўз йўналишларини аниқ белгилаб олди. Бу жараёнда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳам сезиларли ўрни ва таъсири бор. Самарқандда касаба уюшмалари тарихида юз берган эврилиш фикримизнинг яққол далили бўла олади.

Этномаданий характер касб этаётган фаолиятда ўзаро алоқаларнинг юксак тимсолини кўриш мумкин. Мамлакатлараро касаба уюшмаларининг дўстона алоқаларини янада мустаҳкамлаш ва асосий вазифаларни амалга оширишда тажриба алмашишлар, ютуқларни ўрганиш ва амалиётга жорий этиш шулар жумласидандир.

Конструктив ва дўстона руҳда ўтган тадбирда Туркий давлатлар касаба уюшмалари ҳамкорлигининг барча жаб-

**Хосият БОБОМУРОДОВА,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира:**



– Биз ер юзининг турли нуқталарида яшасак-да, бизни ҳар ёққа сочиб ташлашса-да, туркий халқлар бир-бирини вафо-садоқати, ота-оналарига, keksaларга ҳурмати ва ёшларга муҳаббати орқали таниб олади. Бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади: энг эзгу ғоялар учун бирлашамиз, курашамиз.

Инсониятнинг тенглиги, одамларнинг қадри учун ташкил этилаётган бу каби ташкилотлар ана шундай холис мақсадларимизни амалга ошириш учун хизмат қилади.

**Фармон ТОШЕВ,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси,**
**«Зарафшон» – «Самаркандский вестник» газеталари Бош муҳаррири:**



– Кейинги 5-6 йил ичида дунёнинг глобал муаммоларига айнан Самарқандда ечим топиляпти. Бугунги тарихий воқеа ҳам шу шаҳарда бўлди. Туркий давлатлар касаба уюшмалари ташкилотининг тузилиши дунёга катта ибрат бўлади. Қайлардадир кимлардир уруш очаётган, бир-бирига қурол ўқталаётган бир пайтда туркий давлатлар иқтисодий, маданий ҳамкорлик йўлидан бораётгани бутун дунёга ўзига хос бир сабоқдир.

Ташкилот халқларимизнинг фаровонлиги йўлида катта куч-қудратини ҳам бирлаштиради.

# уюшмалари ташкилоти:

# ҲАМОҲАНГ ТАШАББУС

## *касаба уюшмалари ташкилотининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди*



ҳаларида интеграциялашуви қардош халқлар манфаатларига мос келиши таъкидланди.

Ўз навбатида, бандликни таъминлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами муҳофазаси, хотин-қизлар, ёшларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, муносиб меҳнат шароитларини яратиш, миллий ва халқаро меҳнат стандартларини ҳаётга татбиқ этиш, ишловчилар маънавий камолотини таъминлаш, янгиланган таълим ғояларини илгари суриш, кадрлар малакасини ошириш, ихтисослашган ўқув муассасаларида касаба уюшмалари ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлашдек устувор вазифаларни бажаришда баҳамжиҳат ишлаш юзасидан келишиб олинди.

Туркий давлатлар касаба уюшмалари ташкилоти йиғилишида бир қатор долзарб масалалар кўриб чиқилди. Ҳамкор касаба уюшмаларнинг Шушадаги учрашувида маъқулланган ва келишиб олинган Туркий давлатлар ташкилотини таъсис этиш тўғрисидаги таклиф бир овоздан маъқулланди.

Шундан сўнг ташкилот устави лойиҳаси кўпчилик овоз билан асос сифатида қабул қилинди, кенгаш таркиби тасдиқланди.

Навбатдаги масала – Туркий давлатлар касаба уюшмалари ташкилоти президентини сайлаш жараёнида Озарбайжон касаба уюшмалари Конфедерацияси раиси Саттор Мехбалиев Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов номзодини Туркий давлатлар касаба уюшмалари ташкилоти Президентлигига таклиф этди. Очиқ овоз бериш йўли билан Қудратилла Рафиқов Туркий давлатлар касаба уюшмалари ташкилоти президенти этиб сайланди.

Озарбайжон касаба уюшмалари Конфедерацияси раиси Саттор Мехбалиев номзоди ташкилотнинг вице президентлигига бир овоздан маъқулланди.

Таъсис йиғилишида Туркий давлатлар касаба уюшмалари ташкилотининг бош котибини сайлаш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Қозоғистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Сатибалди Даулеталин бу лавозимга муносиб деб топилди.

Йиғилиш иштирокчилари ташкилотнинг 5 кишидан иборат назорат-тафтиш комиссияси аъзоларини ҳам сайлашди. Қирғизистон касаба уюшмалари Федерацияси раисининг биринчи ўринбосари Ўморбек Арстанбеков ташкилотнинг назорат-тафтиш комиссияси раиси этиб сайланди.

Ташкилотнинг доимий фаолият юритадиган қароргоҳи (яъни штаб квартираси)ни Туркиянинг Анқара шаҳрида жойлаштириш маъқул этиб белгиланди.

Мажлис қатнашчилари Туркий давлатлар касаба уюшмалари ташкилотининг биринчи съездини жорий йил 29 ноябрда Анқара шаҳрида ўтказиш юзасидан келишиб олишди.

## ДИЛ СЎЗЛАРИ

**Саттор МЕХБАЛИЕВ,**
**Озарбайжон касаба уюшмалари Конфедерацияси раиси:**



– Яқинда Озарбайжонда қардош давлатлар касаба уюшмалари вакиллари иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда фаолиятимизга оид муаммо ва ривожланиш истиқболларини биргаликда белгилаш, бу борада алоқаларни янада мустаҳкамлаш масалалари атрофлича кўриб чиқилган эди.

Мана бугун муаззам Самарқанд шаҳрида ташкилотнинг таъсис йиғилишида иштирок этдик. Бундан жуда мамнунмиз.

Туркий давлатлар касаба уюшмалари ташкилотининг тузилиши ишчи-ходимларнинг ижтимоий, меҳнат, касбий ва иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирларни бирлаштиради, ўзаро тажриба алмашишга кенг имконият яратади.

Бу ҳамкорлик давлат раҳбарларининг яқинлик ва ҳамжиҳатлик сари юз тутаётган изчил сиёсатига ҳамоҳанг тарзда амалга оширилаётгани билан янада аҳамиятлидир.

**Сатибалди ДАУЛЕТАЛИН,**
**Қозоғистон Республикаси касаба уюшмалари Федерацияси раиси:**



– Туркий давлатлар ўртасидаги тарихий алоқалар янада мустаҳкамланмоқда. Ўтган йили Самарқандда бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилотининг саммити бу йўналишда маёқ вазифасини ўтади, десам муболаға қилмаган бўламан. Тили, маданияти, тарихий илдизи бир халқларнинг сиёсатдан ҳоли интеграциялашуви, маданий, гуманитар алоқаларнинг янги ўзанларини очиб бермоқда. Давлатларимиз ўртасидаги «Туркий дунё нигоҳи – 2040», деб номланган стратегик ҳужжатларнинг қабул қилиниши мақсадларимиз сари қўйилган муҳим қадам бўлди.

Халқларимиз ўзаро ҳамжиҳатликда янги давр сари бормоқда. Бугунги учрашув, бугунги тарихий воқеликлар – Туркий давлатлар касаба уюшмалари ташкилотининг тузилиши бу жараённи тезлаштиради. Шу билан биргаликда, энг халқчил ташкилот ҳисобланадиган касаба уюшмаларининг ҳамкорлиги халқларимизнинг янада яқинлашувига хизмат қилишига ишонаман.

**Эргун АТАЛАЙ,**
**Туркия касаба уюшмалари Конфедерацияси «TÜRK-IŞ» президенти:**



– Биз бир муддат илгари қардош Озарбайжон диёрининг тарихий Шуша шаҳрида сиёсатдан мутлақо ҳоли, иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларга асосланган келишувга эришгандик.

Бугун гўзал ва бетакрор Самарқанд шаҳрида Туркий давлатлар касаба уюшмалари ташкилоти тузилишида қатнашдик.

Муаззам замин Самарқандда бўлганимдан, тарихий воқеликлар жараёнида иштирок этаётганимдан мамнунман.

Айтиб ўтишим жоизки, бугун Ер юзининг барча меҳнат нуқталарида муносиб шароит яратилишига кучли эҳтиёж сезилмоқда. Хусусан, бу борада жамоатчилик назоратининг аҳамияти нақадар долзарб бўлаётганини кўриб турибмиз.

Бизнинг ташкилотимиз 18 миллиондан ортиқ меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилади. Албатта, бу жараёнда қўшниларимиз, қардошларимиз тажрибаси янада қўл келиши, табиий. Балки, улар учун бизнинг тажрибаларимиз асқатиши мумкин. Демак, эндиликда фаолиятимизни мукаммаллаштириш, илғор тажрибаларимизни оммалаштириш учун катта майдон ва ҳамкорлар пайдо бўлди. Бу Туркий давлатлар касаба уюшмалари ташкилотидир.

Ташкилот ишига муваффақият тилайман. Қардошлик алоқаларимиз янада мустаҳкамлансин.

**Ўморбек АРСТАНБЕКОВ,**
**Қирғизистон касаба уюшмалари Федерацияси раисининг биринчи ўринбосари:**



– Биз янги дунёга қадам қўйдик. Меҳнат муносабатлари ўзгармоқда. Бу жараёнда ишчи-ходимларнинг ҳуқуқий ҳимоячиси бўлган касаба уюшмалари олдида ҳам янгидан-янги вазифалар юзага келмоқда. Уларга ечим топишда халқаро ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳаморлик тарихи муштарак, тили ва дини бир бўлган халқлар ўртасида кечиши эса айни муддаодир.

Шу маънода Туркий давлатлар касаба уюшмалари ташкилотининг ташкил этилиши тарихий воқеликдир.

Ташкилот доирасида касаба уюшмалари етакчиларининг доимий ўзаро ҳамкорлиги ва учрашувларини самарали мулоқотда ўтказиш имконияти мавжуд бўлиб, унда ҳуқуқий тартибга солиш, маданиятли меҳнат бозорини ривожлантириш масалалари кўриб чиқилади ва ишлаб чиқилади, бу эса тажриба алмашинувини таъминлайди, аъзо ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлайди.

Ишончимиз комилки, ташкилот фаолияти меҳнат муносабатларини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

**Раҳматилла ЖАББОРОВ,**
**Республика қирғиз миллий маданият маркази раҳбари:**



– Ўзбекистон кўп миллатли мамлакат. Давлатимиз раҳбари ҳар бир нутқида бизнинг катта бойлигимиз миллатимиз, миллатлараро тотувлик, деб бот-бот айтадилар. Туркий давлатларнинг томири, илдизи, дини, маданияти бир. Сўзларимизни таржимонсиз ҳам англаймиз, маъносини луғатсиз ҳам тушунамиз.

Биз янги ташкилотнинг келажаги бардавом бўлишига, халқларимиз дўстлиги янада мустаҳкамланишига ишонамиз.

**Серикбай УСЕНОВ,**
**Республика қозоқ миллий маданий маркази раҳбари:**



– Ўзбек ва қозоқ халқларининг тарихи бир. Бир дарёдан сув ичиб, қон-қариндошга айланиб кетган. Эт билан тирноқни ажратиб бўлмаганидек, бу икки элнинг истиқболини айро тасаввур қилиб ҳам бўлмайди.

Туркий давлатлар касаба уюшмаларининг бирлашуви халқларимиз ўртасидаги абадий дўстликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишига шубҳа йўқ.

**Нурилла ШАМСИЕВ, Гулрухбегим ОДАШБОЕВА, Қувончбек ТЎРАЕВ** (фото)
«ISHONCH» мухбирлари

*Тошкент шаҳри*

Спорт

# Бирлашганлар доим ғолиб

**Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши «Саломатлик – 2023» спартакиадасини ўтказди.**










Анъанага кўра, ушбу тадбир Тошкент шаҳар кенгаши тизимидаги ташкилотлар ишчи-ходимлари ўртасида ҳар йили ўтказиб келинмоқда. Бу галги спорт мусобақасида тармоқ тизимидаги худудий ташкилотлардан қатнашган ўнта ташкилот ходимлари шахмат-шашка, стол тенниси, Алпомиш ва Барчиной тестлари бўйича ўзаро куч синашдилар.

– Спорт – соғлиқ гарови. Шу боис мен ҳар доим жисмоний машғулотларга алоҳида вақт ажратаман, – дейди 59 ёшли Алим Гаюбов. – Шунинг натижасида анча тетик ва бардам-бақувватман. Шартларни бажаришда ёшлардан асло қолишганим йўқ.

Мусобақада қатнашган спортчиларга 1-ўрин учун мультиварка, 2-ўрин учун дазмол, 3-ўрин учун эса тарози тақдим этилди. Қизиқарли кечган баҳсларда «Тошшаҳартрансхизмат» АЖ умумжамоа ҳисобида ғолиб бўлиб, кўчма кубокни қўлга киритди. «Ўзбеккоммуналлойиҳақурилиш» ДУК, «Қишлоққурилишлойиҳа» МЧЖ, «Тошкентбошплан» ЛИТИ, «Себзор» ХК эса совринли ўринларга муносиб кўрилди.

**Эъзоза УМУРЗОҚОВА**
«ISHONCH»
Муаллиф олган суратлар

---

Долзарб мавзу





**Сўнгги вақтда пойтахтимиздаги баъзи дарахтлар ҳеч бир сабабсиз, қисқа муддатда, тўсатдан қуриб қолмоқда. Шу аснода айрим «тадбиркорлар» дарахт илдизига қуритиб юборадиган махсус суюқлик қуяётгани ҳақида миш-мишлар тарқалмоқда.**

# Дарахткушлар қандай заҳардан фойдаланмоқда?

Жумладан, шу йилнинг сентябрь ойида Олмазор тумани «Чилтўғон» («Тахтапул») маҳалласида тадбиркор қурилиш қилиш мақсадида дарахтларнинг тагини тешиб, ўсимликни қуритадиган суюқлик қуйгани ҳақида хабарлар тарқалди. Қизиғи, чиндан-да айни кунларда ўша дарахтлар бирин-кетин қуриб бораётир.

Хўш, дарахтларни қуритиб, қовжиратаётган ўша заҳри қотил суюқлик нима? Бу ҳақда эл оғзида юрган миш-мишлар ҳақиқатми? Дарахтларга заҳар қуяётганлар ким?

Эрта тонгда саволлар билан пойтахтнинг энг гавжум бозорларига йўл олдик. Мақсадимиз – бу заҳарнинг номи ва талабгорларини аниқлаш...

Дастлаб шаҳарнинг марказидаги «Эски жўва» деҳқон бозорига бордик. Ўсимликларнинг дори-дармони билан шуғулланадиган сотувчилардан дарахтларни қуритадиган суюқлик ҳақида сўрадик. Улар ҳадиксираб, ўша дори ҳақида сўзлаб беришди. Айтишларича, бу модда дарахтнинг танасига қуйилса, бир неча кунда таъсири сезиларкан.

Шундан сўнг, бу маҳсулот ҳақида кўпроқ маълумот олиш учун бошқа бозорларга ҳам йўл олдик. «Назарбек» бозоридаги бир сотувчининг таъкидлашича, «бегона ўтларга қирон келтириш учун», деб сотувга чиқарилаётган «Ураган», «Торнадо», «Раундап» номли бир қатор суюқликларни харидорлар айнан дарахтларни қуритиш ниятида сотиб олаётган экан.

Бундай дорилар ичида «номсиз заҳар» деб юритиладиган тури ҳам бор экан. Айни вақтда у қўлбола усулда тайёрланиб сотилмоқда. Маълум бўлишича, айнан ушбу дорининг бозори чаққон.

Ўрганишлар давомида сўраган маҳсулотимизни шунчаки индамай топиб берганлар ҳам, обдон сўраб-суриштирганлар ҳам бўлди. Аммо «мақсадингиз дарахтларга озор бериш бўлса, сизга ҳеч нарса сотмайман», деган сотувчини учратмадик.

Исм-шарифи сир қолиши шарти билан бир сотувчи бизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

«Тўғриси, бундай дориларнинг тури кўп. Асосан, бегона ўтларни йўқ қилиш мақсадида ишлаб чиқарилган. Аммо шундай дориларнинг дозаси кучли бўлгани учун дарахтларни ҳам бемалол нобуд қила олади. Ўзимизда қўлбола усулда тайёрланиб, «номсиз заҳар», деб сотилаётган суюқликнинг таъсири ҳам жуда юқори.

Кукун, капсула шаклидагиси эса асосан Россиядан келтирилади. Уларга сув аралаштириб, дарахтларнинг илдизига қуйилса, тахминан, 15-20 кун орасида ўз натижасини беради. Нархи 30 мингдан 300 минг сўмгача. Бу дориларнинг харидори, айниқса, Тошкент, Фарғона, Андижон, Сурхондарё вилоятида кўп. Бир келганда 100-200 қутигача сотиб олишади.

Мазкур маҳсулотларни сўраб қўшни Қозоғистондан ҳам харидорлар келиб туришади. Қисқаси, ҳозир бу дориларнинг бозори чаққон».

Очиғи, сотувчининг жавоблари бизни қаттиқ ранжитди.

Ўйлаймизки, экология ва табиатни асрашга масъул мутасаддилар бу масалага жиддий эътибор қаратадилар. Зотан, бугунги экологик инқироз асрида атайлаб дарахтлар нобуд қилинаётганига томошабин бўлиб туришнинг ўзи кечирилмас бир ҳолдир.

**Диёра РАВШАНОВА,**
**Мафтуна КАРИМОВА,**
«ISHONCH»

«GROSS SUG'URTA KOMPANIYASI» АЖ Олмазор филиали GIR 0012700 ва GIP 0028848 рақамли суғурта полислари йўқолгани сабабли бекор қилинишини маълум қилади.

---

Кечинма

**Фасллар алмашаётган кезларда инсон умрининг нақадар ўткинчи эканлиги ҳақида ўйлайсан киши беихтиёр. Шу маънода, сентябрь кузнинг бошқа ойларидан фарқли ўлароқ, жуда кўп жиҳатлари билан ҳар томонлама фарқланиб туриши эътиборлидир.**




Айримлар сентябрни кексалик томон қўйилган илк қадамга қиёслашади. Йўлдаги тасодифий ҳамроҳим мактабга боришни истамай, зўрға қадам ташлаётган жажжи болакайнинг қўлидан тутиб, судраб кетаётган меҳрибон опага ўхшатганда нималарни ҳис қилгани ёлғиз ўзига аён.

Бир дўстимнинг «Сентябрга ҳузун ярашади. Ҳузунимизга эса дуо муносиб», дегани ёдимга тушади.

Сентябрь ҳар кимнинг тасаввурида ўзига хос из қолдиргани учун ҳам янада жозибалидир балки...

Баҳорни ёмғирсиз тасаввур қила олмаймиз. Баҳор ёмғирларида ҳатто соябонсиз ҳам қувнаб, яйраш мумкин. Лекин нимага сентябрь ёмғирининг кишига таъсири ундан-да кучли? Ахир сентябрда ёмғир ёғаётганда ҳеч ким рақсга тушмайди-ку. Ёки қувонч ва қайғу ҳақида узундан-узоқ ҳикоялар айтадими бизга сентябрь ёмғирлари?

Қия очилган деразадан ташқарига қараб ёмғирли кунда кўрганингиз – онда-сонда она дарахтни ноилож тарк этаётган яшил барглар, юзларингизга изнсиз урилаётган томчилар, қўшни аёлнинг пуштиранг кўйлакда йўлакка чопиб чиққанча қайтиб, қалинроқ кийиниб кўриниш бергани – ҳамма-ҳаммаси сирли воқеалар сингари кайфиятингизга таъсир қилади...

Сентябрь ёмғирлари ҳақида фикрини сўраганимда бундан йигирма йиллар олдин уни ёлғончи ошиққа ўхшатган энг яқин инсонларимдан бири «Меҳр сўзланмайди», деганди менга қатъий... Бу жавоб менга жуда манзур бўлган бўлса-да, қандайдир, балки фақатгина мен учун ҳамон мавҳум ва сирлидай туюлаверади...

Шундан буён сентябрь кайфият фасли эканлигига ҳар доим ишониб келаман. Бу ишонч шу даражадаки, ҳатто сокин хиёбонлардаги (менинг тасаввуримда) маҳзунлик ҳам менга қувончдан унсиз ҳикоялар сўзлаётгандек туюлаверади.

Ниҳоят, хиёбон бўйлаб ёлғиз ва пиёда сайр қиларканман, телефонимдан ҳар доим эшитиб юрадиганим, «Наҳотки яна куз?!», дея бошланадиган шеър сеҳридан яна мутаассир бўламан. Бутун таассурот ва туйғуларим кузнинг дийдорига маҳлиё бўлиб, жозибали овози билан бу фаслни мукаммал тавсифлашга эришган шоира қизнинг ҳайратларига қўшилиб кетади...

**Шерзод АБДУСАМАДОВ**

---

*Хоразм вилояти*

Кўмак



# 656 нафар ўқувчи учун туҳфа

**Янги ўқув йили бошланиши муносабати билан тармоқ бошланғич ташкилотлари томонидан кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандлари учун ўқув қуроллари бериш анъанага айланган.**

Бу йил ҳам ҳудуд бўйича кўп болали, боқувчисини йўқотган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафатари» ва «Темир дафтар»да турган оилалар вакиллари бўлган 656 нафар ходимлар рўйхати шакллантирилди. Уларнинг фарзандлари учун ўқув қуроллари харажатларининг бир қисми қопланиб, 99 миллион сўмлик ўқув қуроллари ҳадя этилди.

Ўқув қуролларини топшириш Урганч, Гурлан, Хива, Ҳазорасп, Шовот тумани тиббиёт бирлашмалари ва Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати Хоразм вилояти бошқармаси касаба уюшма ташкилотларида тантанали ўтказилди.

Тадбирларда сўзга чиққан бош шифокор ва касабақўмлар ўқувчиларга ота-оналари жамоа ривожига, жамият равнақига ҳалол меҳнати билан муносиб ҳисса қўшаётганликлари ҳақида сўзлаб беришди.

**Гулхоним АМИНОВА,**
Соғлиқни сақлаш ходимлари
касаба уюшмаси Хоразм вилояти
кенгаши раиси ўринбосари

---

*Жиззах вилояти*

Ҳадик

# Ернинг ҳақиқий эгаси ким?

Президентимизнинг 2021 йил 23 ноябрдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида деҳқон хўжаликларининг улушини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори аграр соҳада аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда. Ҳозирги кунда ушбу қарор асосида деҳқончилик қилиш истагидаги фуқароларга бериладиган ерлар электрон онлайн платформа орқали ажратилади. Яъни захирада бўлган ер майдони очиқ танловга қўйилади ва талабгорлар ютиб олишади.

Зарбдор туманида яшовчи 15 нафар фуқаро ҳам онлайн аукцион орқали танловда қатнашиб, жами 15 гектар ерга эга бўлишади. Ташландиқ, қаровсиз майдонда иш бошлаган фуқароларга ернинг бир неча йиллар олдинги эгаси тўсқинлик қилади. Оқибатда эса баъзилар ерни ташлаб кетишга мажбур бўлишади.

Хўш, аслида ернинг қонуний эгаси ким? Ушбу саволга жавоб топиш истагида тумандаги «Оқар» ҳамда «Навбаҳор» маҳаллалари томонга йўл олдик.

**«Ҳаммасига қўл силтаб... кетди»**

Ҳужжатларга кўра, улар 2022 йил 4 апрель куни электрон-онлайн аукцион савдода қатнашиб, ғолиб бўлишади. Уларга «Оқар» ҚФЙ ҳудудидаги 15 гектар ер майдони деҳқон хўжалиги юритиш учун 10 йил муддатга ижарага берилиб, фуқароларга электрон рақамли имзо калитлари ҳам тақдим этилади. Деҳқончиликда суяги қотганлар ташландиқ ерни тобга келтириш учун яхшигина харажат ва меҳнат қилишади. Бироқ оғиз ошга етганда, ернинг бошқа эгаси чиқиб қолади. «Мирзиё-Мирсултон» фермер хўжалиги раҳбари Ойдин Шодиева уларга тўсқинлик қила бошлайди.

– Фарзандларим билан биргаликда шу ердан аукцион орқали ер олгандик, – дейди Гулчеҳра Боймуродова. – Даромад яхши бўлса, икки нафар фарзандимга келин оламан, кейинчалик уларга уй қуриб бераман, деган яхши ниятда ҳаракатни бошлагандим. Кейин билсам, бу ернинг олдинги эгаси уни чўпонларга сотиб юрган экан. Ўтган йили ошқовоқ эккан эдим. Чўпонларнинг моллари экинни пайҳон қилди. Улар «бу ерни фермер аёлдан сотиб олганмиз», деб туриб олишди. Шу каби жанжаллар кўпайгач, икки нафар фарзандим, ҳаммасига қўл силтаб, Россияга ишлашга кетди.

**«Қонуний еримга эгалик қила олмаяпман»**

«Мирзиё-Мирсултон» фермер хўжалиги 2014 йилдан буён эгалик қилиб келаётган 44 гектар ер майдони Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январдаги 14-сонли қарорига асосан мақбуллаштирилган. Ушбу ер майдонининг 16 гектари мақбуллаштириш жараёнида туман ҳокимининг 2019 йил 31 январдаги қарори билан бошқа фуқарога ажратиб берилади. Орадан кўп ўтмасдан ушбу ер захирага қайтарилади. 2020 йилда ер иккинчи шахсга 49 йил муддатга ижарага берилади. Бу фермер ҳам низоли ерни захирага қайтариш бўйича ариза билан мурожаат қилгач, у захирага ўтказилади ва очиқ аукцион савдога қўйилади. Фермер аёл энди аукцион ғолиблари билан низолаша бошлайди.

– Шу ерни олганимиздан буён жанжалдан бошимиз чиқмайди, – дейди Рисхол Ортиқбоева. – Бу йил кўкариб турган экинларимизга сув очиб юборилди. Бизнинг айбимиз аукционга қатнашиб, ерни ютиб олганимизми? Аёл бошим билан менга ажратилган ерни икки йилдан буён ярокли ҳолатга келтириш чораларини кўрдим. Очиғи, эндиликда тайёр ҳолатдаги қонуний еримга юрагим безиллаб кириб бораман...

**Адолат қарор топди. Бироқ...**

«Мирзиё-Мирсултон» фермер хўжалиги раҳбари Ойдин Шодиева билан телефон орқали боғландик. У ерни захирага олиш ҳақида ариза бермаганини, ер ҳокимлик томонидан ноқонуний тортиб олинганини маълум қилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январдаги 14-сонли қарорида «Ер участкаси ажратилган ёки янгидан ташкил этилган фермер хўжаликлари ёки қишлоқ хўжалиги корхоналари бизнес режасида кўрсатилган мажбуриятларни бажармаган тақдирда ер шартномаси туман ҳокими томонидан бир томонлама бекор қилиниши мумкин» дейилган.

Ойдин Шодиева Зарбдор тумани ҳокимининг 2019 йилда 24 январдаги 264-сонли ҳамда 2020 йил 3 сентябрдаги 722-сонли қарорларини бекор қилишни сўраб, Жиззах туманлараро маъмурий судига мурожаат қилади. Суд жорий йилнинг 5 апрелида фермер хўжалиги раҳбарининг даъвосини қаноатлантиради, яъни туман



ҳокимининг қарорлари бекор қилинади. Шундан сўнг туман ҳокимлиги томонидан Жиззах вилояти маъмурий судига апелляция берилади.

– Апрель ойидаги ўтказилган суд жараёнида аукционда ер майдони ютиб олган фуқароларнинг ҳуқуқлари поймол бўлганди, – дейди Зарбдор тумани ҳокимининг иш юритувчиси Зуфар Ёвқочтиев. – Шу сабабли биз Жиззах вилояти маъмурий судига апелляция тартибида мурожаат қилдик. Шу йил 8 август куни ўтказилган суд жараёнида «Мирзиё-Мирсултон» фермер хўжалигининг Зарбдор тумани ҳокимининг қарорларини бекор қилиш тўғрисидаги даъво аризаси рад этилди. Ўйлайманки, бу билан адолат қарор топди.

Аммо ер эгалари ҳануз ҳадикда. Чунки суд қарори ижросини таъминлаш керак. Мажбурий ижро бюросининг туман бўлимидагилар масалага тезда нуқта қўйишади, деган умиддамиз.

**Муқимбой ИСМОИЛОВ**
«ISHONCH»

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOV,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G'OYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV
(Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),
Mehriddin SHUKUROV
(Mas'ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK
(Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

**Bo'limlar:**
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

**Hududlardagi muxbirlar:**
**Qoraqalpog'iston Respublikasi** – (+998-99) 889-98-20
**Andijon viloyati** – (+998-99) 889-90-23
**Buxoro viloyati** – (+998-99) 889-90-31
**Jizzax viloyati** – (+998-99) 889-90-34
**Namangan viloyati** – (+998-99) 889-98-02
**Navoiy viloyati** – (+998-99) 889-90-28
**Samarqand viloyati** – (+998-99) 889-90-26
**Sirdaryo viloyati** – (+998-99) 889-98-55
**Surxondaryo viloyati** – (+998-99) 889-90-32
**Toshkent viloyati** – (+998-99) 600-40-44
**Farg'ona viloyati** – (+998-99) 889-90-24
**Xorazm viloyati** – (+998-99) 889-98-01
**Qashqadaryo viloyati** – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
**Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.**

**Navbatchi muharrir:** Z. Rixsiyev
**Musahhihlar:** D. Xudoyberganova, D.Ravshanova
**Sahifalovchi:** H. Abdujalilov

**Bosishga topshirish vaqti** – 03:00
**Topshirildi** – 03:20

**Bahosi kelishilgan narxda**

**Manzilimiz:** 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
**E-mail:** ishonch1991@yandex.uz

**Tahririyat hisobraqami:** 2021 0000 0004 3052 7001, ATIB «Ipoteka bank» Yashnobod filiali, bank kodi: 00959, STIR: 201133889, OKED: 58130

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma **G-913** Nashr ko'rsatkichi: **133**
1 2 3 4 5 6
**Umumiy adadi 30387**
**14056** nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
**Korxona manzili:** Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.